

37-боб. Мушрик қариндошга силаи раҳм ва ҳадя қилиш



20:10 / 23.04.2019 2103

71. Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Умар сияро ҳуллани кўриб қолиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, шуни сотиб олсангиз, жума кунлари, вақтлар келганда киярдингиз», деди.

«Эй Умар, буни охиратдан насибаси йўқлар кияди», дедилар.

Кейинроқ Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга худди ўшандай ҳуллалар ҳадя қилинди. Улардан бирини Умарга ҳадя қилдилар. Умар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга мана буни юборибсиз. Ахир у ҳақда нима деганингизни эшитганман-ку?!» деди.

«Мен буни сенга кийгин деб ҳадя қилганим йўқ. Буни ё сотиб юбор, ёки киядиган одамга бергин деб ҳадя қилдим», дедилар.

Умар уни она бир мушрик укасига ҳадя қилди».

Шарҳ: Сияро – ипак аралаштириб тўқилган мато ёки шу матодан тикилган чопон.

Хулла – бошқа халқларда бир хил матодан тикилган пиджак ва шимдан иборат кийимлар тўплами «костюм» дейилгани каби, арабларда ридо ва изордан – юқори ва пастки либосдан иборат кийим «хулла» дейилади.

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, қариндошлар мушрик бўлса ҳам, муслмон бўлмаса ҳам, уларга силаи раҳм қилиш, ҳадя бериш жоиз экан.

Мушрикка шунчалик силаи раҳм қилинса, муслмон қариндошга, ўзи билан бирга яшаб турган қариндош-уруғларга силаи раҳм қилиш қанчалик аҳамиятли эканини билиб олсак бўлади.

«Одоблар хазинаси» китобидан